
Мустақиллигимизнинг 33 йиллик айёми арафасида 105 нафар ишсиз аёллар бандлиги таъминланди.

Мустақиллигимизнинг 33 йиллик айёми арафасида Данғара тумани Чинобод МФЙда жойлашган “Чинобод Ёшлар Тадбиркорлиги саноат зонасида” “Данғара текстил” МЧЖ шаклидаги хорижий корхона фойдаланишга топширилди.

Хитойлик инвестор томонидан 3.0 млн долларлик хорижий инвестиция ҳисобидан ташкил этилган ушбу пойабзал ишлаб чиқариш корхонасида 105 нафар янги иш ўрни яратилди. Фойдаланишга топшириш тадбирида туман хокими иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хорижий инвесторларга яратиб берилган кенг имкониятлар ҳақида таъкидлаб, корхона ишчиларни Ўзбекистон мустақиллигининг 33 йиллиги билан табриклаб ўтди.

2024-08-24 18:50:45